



Зиёратчиларимизнинг биринчи гурухидаги 234 нафари вилоятимизга қайтдилар



Миллий урф-одат ва анъаналаримиз, диний қадриятларимиз тикланиб бораётганлиги туфайли бир пайтлар ота-боболаримиз учун армонга айланган ҳаж ибодатига бугун минглаб юртдошларимиз ҳеч бир қийинчиликларсиз эришмоқдалар. Кеча тунда вилоятимиздан ҳаж зиёратига йўл олган юртдошларимизнинг биринчи гурухидаги 234 нафари қўнгилларида бир олам тассурот билан фарз амалларини бажариб, вилоятимизга қайтдилар.





Улар Наманган халқаро аэропортида мутасадди ва масъуллар билан биргалиқда кутуб олиниб, замонавий автобусларда белгиланған манзилларига етказиб қўйилди.

Зиёратчиларимизни кутиб олиш маросимлари давом этмоқда.